

---

**Спортнинг мини футбол тури бўйича ДХХ кубогига старт берилди**  
Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Давлат хавфсизлик хизмати ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб, туманимизда мини-футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақаси ўтказилади.

Туманда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида футбол ва мини-футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақасига старт берилди.

Тантанали очилиш маросимида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ДХХ раҳбари ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда ёшларга берилаётган эътибор ҳақида сўз юритиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

2023-04-12 22:55:50